



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институту ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Bозor mexanizmlarini takomillashtirishda iste‘molchilarning sodiqligidan foydalanish yo‘llari	155
Нилуфар Абдуазизовна Рахимова Замонавий ташкилотларда бошқарув тузилмаларининг аҳамияти ва турлари	158
Ирода Аминжоновна Умурзакова Рекламная деятельность в экономике: проблемы и перспективы	162
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Эркин Норматович Ходжаев, Зухур Давронович Ниёзов, Ойбек Эркинович Ходжаев Молиявий ресурсларни кўпайтиришда вексель муомаласидан фойдаланиш	166
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Азимжон Фаррухович Мустафоев Республика миллий иқтисодиётида нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятлари	171
Azamat Abdiraximovich Eshonqulov Tarkibida sho‘ba korxonasi bor korxonalarda konsolidatsiyalashgan MНXS asosida tuzish uslubiyotini takomillashtirish	177
Maуram Xamidovna Xalimova Aksiyadorlik jamiyatlarining auditorlik tekshiruvida yuzaga keladigan muammolari va istiqbollari	182
Заррух Умарович Мухаммадиев Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш: халқаро ва миллий жиҳатлар	188
Dilfuza Samiddinovna Tashnazarova Process costing tizimini takomillashtirish masalalari	193
Iroda Boykobilova Issues of bringing accounting and reporting of economic entities into line with national and international standards.	196
Тоҳир Толмас ўғли Сатторов Корхоналарда пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобининг хусусиятлари	201
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Дилобар Караматовна Гафурова Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	205
Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova O‘zbekistonning barqaror rivojlanishida bilimlar iqtisodiyotining ahamiyati	210
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Таълим хизматлари бозорини таҳлил қилишда корреляция таҳлилини қўллаш амалиёти	214
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ҳаёт ҳақида мутафаккирлар ҳикматлари	217

6. Norbekov Davron Eshmurodovich, Toirova Nargiza Shavkat qizi; Article “Reporting financial results: domestic and international experience.”

<p style="text-align: center;">I.Boyqobilova Хо‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyati buxgalteriya hisobi, hisobotini milliy hamda xalqaro standartlarga moslashtirish masalalari</p>	<p style="text-align: center;">И.Бойкобилова Вопросы приведения бухгалтерского учета и отчетности хозяйствующих субъектов к национальным и международным стандартам.</p>
<p>Аннотация: Ushbu maqola biznes subyektlarining buxgalteriya hisobi va hisobot standartlarini Xalqaro Moliyaviy Hisobot Standartlari (IFRS) bilan muvofiqlashtirishning mumkin bo‘lgan foydalari haqida bahs yuritadi. Ushbu maqolada IFRS qabul qilinishi xorijiy investitsiyalarni oshirishga, mahalliy kompaniyalarga xalqaro bozorlarda raqobatlashish imkoniyatini berishga va moliyaviy ma'lumotlarning taqqoslanuvchanligini yaxshilashga yordam berishi ta'kidlanadi.</p> <p>Kalit so‘zlar: Moliyaviy hisob, milliy standartlar, MNXS, statistika, tahlil, raqobatbardoshlik, investitsiya, innovatsiya, xo‘jalik yurituvchi subyektlar.</p>	<p>Аннотация: Данная статья обсуждает возможные преимущества приведения стандартов бухгалтерского учета и отчетности бизнес-субъектов в соответствие с Международными стандартами финансовой отчетности (МСФО). В статье подчеркивается, что принятие МСФО может помочь увеличить иностранные инвестиции, дать местным компаниям возможность конкурировать на международных рынках и улучшить сопоставимость финансовой информации.</p> <p>Ключевые слова: финансовый учет, национальные стандарты, МСФО, статистика, анализ, конкурентоспособность, инвестиции, инновации, субъекты хозяйствования.</p>

Тоҳир Толмас ўғли Сатторов – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мустақил изланувчиси

КОРХОНАЛАРДА ПАЙПОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнлари, улар таннархини шакллантиришнинг хусусиятлари ва молиявий барқарорлиги, таннархни минималлаштириш ва аниқлаш тартиби келтирилган.

Калит сўзлар: пайпоқ, пайпоқ маҳсулотлари, пайпоқ ишлаб чиқариш, пайпоқ ишлаб чиқариш технологик жараёни, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх.

Кириш. Республикамизда сўнгги йилларда ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Республикамизда маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни давом эттириш, саноат корхоналарининг иқтисодиётдаги ўрнини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар, жумладан соҳани ривожлантириш учун солиқлар бўйича ҳукумат томонидан бир қатор имтиёзлар берилиши тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳажмини ошириш учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда бухгалтерия ҳисоби муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда бошқарув ҳисобининг илғор усуллари, жумладан жараёнли костинг тизимларини жорий қилиш долзарб ҳисобланади. Амалдаги маҳсулот таннархини аниқлаш тартиби бошқарувчиларнинг ахборотларга бўлган талабини етарли даражада таъминлай олмайди. Самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маҳсулот таннархи тўғрисида ишончли ва ҳаққоний ахборотлар талаб этилади, қайсики бунга илғор костинг тизимларини муваффақиятли қўллаш натижасида эришилади. Айниқса, костинг тизимларини саноат корхоналари, жумладан пайпоқ ишлаб чиқариш корхоналари мисолида амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сон қарорида илғор хорижий тажрибаларни кенг қўллаш бўйича ҳам қатор

вазифалар белгиланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўналишига тегишли муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш услубиётига доир бир қатор Ўзбекистонлик ва хорижий олимлар, мутахассислар, жумладан, М.Э.Пўлатов, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, Р.А.Абдуллаев, Ҳ.Н.Мусаев, А.И.Алиқулов, С.Н.Ташназаров, Д.Р.Рафеев, У.А.Ширинов, Б.Ф.Боронов, З.У.Мухаммадиев, Чжан, К.Б.Маккензи, Э.А. Аренс, Дж.К.Лоббек, Р.Робертсон, Pizzeу, В.Ф.Палий ва бошқалар ўз ишларида ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот таннархи костинги (калькуляцияси) масалаларига кенг тўхталганлар. Ушбу ишланмалар олимлар томонидан чоп этилган дарсликлариди, ўқув кўлланмалари ва мақолаларида ўз аксини топган.

Мазкур муаммо ечимига тизимли ёндашувлар мавжуд эмаслиги ва бошқа бир қатор сабаблар республикада бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш учун чуқур илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, маълумотларни гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Пайпоқ ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш учун, энг аввало, моддий харажатларни тўғри ҳисобга олиш зарурлиги, ушбу жараён қай тарзда амалга оширилиши, унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилиши лозим.

Пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги тартибда 4 та босқичда амалга оширилади:

1-босқич.

➤ ип-кавалар (джут, асос иплари, рангли иплар) ускунага ўрнатиш учун тайёрланиб, ускунага ўрнатилади;


➤ ускунага ипларни ўрнатишда тўқиладиган пайпоқ нусхасига қараб ҳар бири рангига кўра тегишли тартибда жойлаштириб чиқилиши керак

➤ тўқиладиган пайпоқ нусхаси ва усқунани ишлаш тезлиги усқунадаги компьютер хотирасига юкланади;

2-босқич.

➤ усқуна ишлаб чиқаришга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилинган ишга туширилади;

➤ усқуна тўқиган пайпоқлар махсус вагонлар (тележка)га жойланади;



1-расм. Пайпоқ ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни¹.

➤ вагонлардаги пайпоқлар юк ташувчи техника (кара) билан текширув цехига келтирилади;

3-босқич.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

➤ тўқилган пайпоқлар текширув ускунасидан ўтказилади ва унинг сифати ходимлар томонидан текширилиб, нуқсонлар аниқланганда шу жойнинг ўзида бартараф этилади;

4-босқич.

➤ пайпоқ орқа қисмига пайпоқнинг ўлчамлари, корхона номи ва пайпоқ маркази туширилган махсус этикетка дазмол билан пайпоқга маҳкам елимланади. Шу билан пайпоқ тайёр ҳолга келтирилган ҳисобланади.

Ушбу технологик жараёни схема кўринишида қуйидагича ҳам ифодалаш мумкин (1-расм).

Пайпоқ ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ва, мос равишда, таннархини шакллантиришга бевосита таъсир қилади. Пайпоқ маҳсулотлари таннархини ташкил қилувчи асосий харажат моддалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Пайпоқ ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар¹

Харажат гуруҳи	Харажат моддалари
Бевосита материал харажатлари	Пайпоқ ишлаб чиқаришда бевосита сарфланган материаллар, буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқа материаллар
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	Пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашган ходимларга ҳисобланган асосий иш ҳақи ва мукофотлар
Бевосита меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий солиқ тўлови	Пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашган ходимлар иш ҳақи фондидан ижтимоий солиқ тўловлари
Амортизация ажратмалари	Пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этган асосий воситалар, номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари(бевосита устама харажатлар)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Пайпоқ ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган турли хизматлар (сертификатлаш, транспорт хизматлари, газ, сув ва электр қуввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар) 2. Пайпоқ ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари 3. Пайпоқ ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган келгуси давр харажатлари 4. Пайпоқ ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган бошқа харажатлар

Пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ушбу жараёнинг узлуксизлигини таъминлаш, пайпоқ тўқиш жараёнида ускуналарнинг технологик хусусиятлари ва қувватидан келиб чиққан ҳолда, энига қанча ўлчамда ва вертикал ҳолатда узлуксиз чиқарилиши каби ўзига хос технологик хусусиятлари мавжуд. Пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам-ашё материалларининг етишмовчилиги, технологик ускуналардаги носозликлар ёки бошқа бевосита ишлаб чиқаришни тўхтатилишига сабаб бўлувчи ҳолатлар кузатилмаганда ишлаб чиқариш фаолияти узлуксиз амалга оширилади.

Хусусан, ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари қанчани ташкил қилиши, улардан унумли фойдаланиш маҳсулот таннархини ҳисоблаб чиқаришда катта роль ўйнайди. Мисол учун, пайпоқ ишлаб чиқариш ускуналарининг қиймати юқорилиги инobatга олинса, бир ускунанинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик натижасида ускунага ҳисобланган амортизация ажратмалари ой охирида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархини кескин ошишига олиб келиши мумкин. Ёки технологик ускуналардан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз вақтида ишга тушириш ва ўчириш ҳолатларига амал қилмаслик натижасида электроэнергия харажатларининг кескин ошиши ҳам маҳсулот таннархини кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу хусусиятлар

¹ Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом асосида

жараёнида ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисобга олинганлиги ва таннархни тўғри ҳисоблаб чиқарилганлигини аниқлашда асосий роль ўйнайди. Маҳсулот таннархи корхоналар фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. Пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнидаги асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқарилган пайпоқ маҳсулотлар таннархининг тўғри шаклланганлигига қаратиш лозим. Бунда ишлаб чиқарилган 1 бирлик пайпоқ маҳсулотини ишлаб чиқаришда қайси турдаги харажатлар амалга оширилгани ва таннархда асосий салмоқни қайси турдаги харажатлар эгаллашини аниқлаб олиш учун жуда муҳим.

Хулоса ва таклифлар. Мазкур мақоланинг аҳамияти пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги хусусиятлари бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар куйидагиларда ўз ифодасини топган:

корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида халқаро стандартларга мувофиқ концептуал масалаларни очиб бериш, бошқарув ҳисобидаги илғор костинг тизимларини қўллаш, пайпоқ маҳсулотлари таннархини ҳисоблашда аниқ, объектив ва ҳаққоний ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини туғдиради;

тўқимачилик жумладан пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва уни ташкил этишни тартибга солиш ҳолатини комплекс тадқиқ қилиш ва ундаги мавжуд айрим муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади;

хўжалик юритувчи субъектларда пайпоқ ишлаб чиқариш ва унинг таннарх харажатларини минималлаштириш ва унда қўлланиладиган амалларни янада самарали ташкил қилиш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан ишлаб чиқаришни тегишли жараёнларга ажратиш ва ҳар бир жараённинг таннархини алоҳида ҳисоблаш, таннархнинг бир жараёндан бошқа жараёнга ўтиши давомида ҳисобга олиб борилиши тартибга ўтиш таклиф этилди. Бу эса ўз навбатида ҳар бир жараённинг таннархига оид ахборотларни тўплаш, ҳамда тегишли қарорлар қабул қилиш имкониятини юзага келтиради;

Фикримизча, корхоналар ишлаб чиқариш ҳолати ва ундаги ўзгаришларга баҳо беришнинг услубий жиҳатларини миллий амалиётимизда қўллаш биринчидан, республикамизда хорижий амалиётда кенг қўлланилаётган МХХСларга ўтиш бўйича Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сон қарори ижросини таъминлашни жадаллаштиради. Иккинчидан, бухгалтерлар ва аудиторларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш бўйича амалий кўникмаларни вужудга келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.Н.Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. – Самарқанд: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2023-580 бет.
2. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва . Т.: “Ўқитувчи”, 2004. 245-бет.
3. Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т.: “Адиб нашриёти”, 2011
- 4.Тулаходжаева М.М., Илҳомов Ш.И. ва бош. (дарслик). Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. “DeHaus Priat” , 2011. – 583 б.

Т.Сатторов	T.Sattorov
Особенности учета процессов производства носков на предприятиях	Features of accounting for sock production processes at enterprises
Аннотация: В данной статье представлены производственные процессы на предприятиях, особенности формирования себестоимости и финансовой устойчивости, порядок минимизации и определения себестоимости.	Abstract. This article presents production processes at enterprises, features of cost formation and financial stability, the procedure for minimizing and determining cost.
Ключевые слова: носки, носочная продукция, производство носков, технологический процесс производства носков, затраты на производство, себестоимость.	Keywords: socks, sock products, sock production, technological process of sock production, production costs, cost price.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.